



8 iyul 2024 yil. 13-son Toshkent sh., - г. Ташкент

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Марказий аппаратида давлат харидларини амалга ошириш, танлов ўтказиш бўйича Махсус комиссиянинг янгилangan таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида ишлаб чиқариш жараёни ва заруратидан келиб чиқиб, ҳамда МТРК раҳбариятининг вазифалари тақсимотини инобатга олиб, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида давлат харидлари доирасида амалга оширилаётган тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2022 йил 17 февралдаги 47-сон буйруғи иловаларига мувофиқ тасдиқланган Комиссиянинг янгилangan таркибини тасдиқлаш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Марказий аппаратида давлат харидларини амалга ошириш, танлов ўтказиш бўйича Махсус комиссиянинг янгилangan таркиби 1-иловага;

давлат харидлари орқали харид қилинган асосий воситаларни Ўзбекистон МТРК омборига қабул қилиш бўйича доимий Комиссиянинг янгилangan таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2.1. Махсус комиссия томонидан давлат харидларини ташкил этиш даврида керакли мутахассисларга эҳтиёж туғилган тақдирда, улар Ўзбекистон МТРКнинг тегишли бошқарма, бўлимларидан жалб қилинади;

2.2. Давлат харидларини амалга ошириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ижросини таъминлаш ва расмийлаштирилган хўжалик шартномаларини Марказий бухгалтерияга топширилишига, шунингдек марказий омборга киrim қилинган товар моддий бойликларни бус-бутун сақланишига ва белгилangan тартибда тақсимланишига Моддий таъминот бўлими бошлиги А. Усмонов масъул ҳисобланади (Махсус комиссия Ишчи органи);

2.3. Моддий таъминот бўлими бошлиги А. Усмонов:

Товарлар (ишлар, хизматлар) харидининг ҳажмлари ва жойлаштириш муддатларини ўз ичига олган режа-жадвални Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот порталида ўз вақтида жойлаштириб борилишига, шунингдек қонунчилик талабига кўра Марказий аппаратда амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни Ўзбекистон МТРК веб-сайтига жойлаштириб борилишига;

Низомда белгиланган харид суммасидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлиги бўйича электрон дўкон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки аукцион, танлов ўтказишга эълонлар бериш орқали, ягона етказиб берувчи билан шартнома тузиш каби усулларда амалга оширилишига;

Электрон дўконда товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган ҳолларда, Махсус комиссия томонидан мустақил равища танланган етказиб берувчи билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали давлат харидларини амалга оширилишига;

шартномаларни тузилган санасидан эътиборан уч кун муддат ичидаги махсус ахборот порталига жойлаштирилишига масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Тўғридан-тўғри харид учун жавобгарлик Махсус комиссиянинг зиммасида бўлади;

2.4. Давлат харидларини амалга ошириш Ўзбекистон МТРК раиси томонидан тасдиқланган йиллик режа-жадвалига асосан амалга оширилади.

Бунда Моддий таъминот бўлими (А.Усмонов) томонидан Ўзбекистон МТРК Марказий аппарати бўлинмаларининг товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича эҳтиёjlари ўрганилиб, режа лойиҳаси ишлаб чиқилади Ўзбекистон МТРК раиси билан келишилади ва махсус ахборот порталида харидларнинг чораклик, йиллик режа-жадвалини жойлаштирилади. Давлат харидлари мазкур режа-жадвалига асосан порталда харид шаклларига кўра эълонлар жойлаштириш орқали амалга оширилади.

Тасдиқланган йиллик режа-жадвал дан ташқари ишлаб чиқариш зарурати билан қўшимча товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш зарурати келиб чиққанда улар Ўзбекистон МТРК раиси номига ёзилган билдирги (рухсат) га асосан амалга оширилади;

2.5. Давлат харидлари орқали харид қилинган товар-моддий бойликларни Ўзбекистон МТРК омборига қабул қилиш бўйича доимий Комиссия томонидан тузиладиган далолатнома Ўзбекистон МТРК раиснинг биринчи ўринbosари Н.Хикматуллаев билан келишилганидан сўнг, Компания раисига тасдиқлашга киритилади, уларга асосий воситага тегишли бўлган техник ҳужжатлар (паспорт, чизмалар, сертификат ва бошқалар) мажбурий тартибда илова қилинади;

2.6. Ўзбекистон МТРК раисига тегишли бўлган ва молиявий ҳужжатлар, молиявий дастурлар, давлат харидлари ва бошқа тегишли йўналишлар электрон рақамли имзони ишлатиш ва сақлашга Марказий бухгалтерия Бош бухгалтери Д.Юсупова жавобгар ҳисобланади. Мазкур электрон рақамли имзодан фойдаланиш эҳтиёжи туғилган ҳар қандай ҳолатда, тегишли маълумотлар Марказий бухгалтерияда жойлашган компьютерлар орқали киритилади;

давлат харидлари бўйича Махсус ахборот порталига электрон тарзда жойлаштирилган маълумотларнинг тўғрилигига уларни киритишга масъул бўлган Моддий таъминот бўлими бошлиғи А.Усмонов жавобгар ҳисобланади;

2.7. Мазкур буйруқ тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради ва шу кундан бошлаб амалга ошириладиган давлат харидларига таалтуқли ҳисобланади, ушбу буйруққа қадар амалга оширилган ишларга нисбатан эса улар амалга оширилган вақтда амалда бўлган меъёрлар (буйруқлар) татбиқ этилади.

3. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг ўринbosари (М.Сафаров), Моддий таъминот бўлими (А.Усмонов), Молия-иқтисод бошқармаси (О.Рахматов), Марказий бухгалтерия (Д.Юсупова), тизимдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда ва ўрнатилган тартибда:

Компания ва унинг тизимидағи корхона ва ташкилотларда амалга оширилаётган давлат харидларини Низомда белгиланган тартиб-таомилларга асосан амалга оширилишини;

ўзлари раҳбарлик қилаётган корхона ва ташкилотларда давлат харидларини янги шаклларини амалиётга жорий этилишини ва бу борада қонунчилик талабларига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг ўринbosари (М.Сафаров), Моддий таъминот бўлими (А.Усмонов), Молия-иқтисод бошқармаси (О.Рахматов) бугунги кунда амалда фойдаланилаётган xarid.uzex.uz домендаги веб сайтдан фойдаланиш билан бирга xt-xarid.uz ва сооperation.uz доменларидағи веб сайтларини афзалликлари ва камчиликларини ўрганиб чиқсин ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида давлат харидларини амалга оширишда татбиқ қилинишини таъминласин.

5. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида давлат харидлари доирасида амалга оширилаётган тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2022 йил 17 февралдаги 47-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Девонхона бўлими (У. Ярмухамедов) ўрнатилган тартибда ушбу буйруқни Ўзбекистон МТРКнинг барча бошқарма, бўлим, бўлинмаларига етказилишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринbosари Н.Хикматуллаев ва раис ўринbosари М.Сафаров зиммасига юклатилади, давлат харидлари доирасида амалга оширилаётган тадбирлар юзасидан умумий назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Раис



А. Джурбаев